

## **МАМЛАКАТЛАР ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИДА ЛОГИСТИКА ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ**

Каримов Ғуломназир,  
магистрант, Фарғона давлат университети,  
Ўзбекистон, Фарғона ш.

### **Аннотация:**

Жаҳонда курилиш соҳаси корхоналари фаолияти бошқарув жараёнларининг функционал самарадорлигини ички имкониятлардан кенг фойдаланиш асосида ошириш, янги усул ва мезонларини шакллантириш, яратилаётган курилиш соҳаси логистик тизимларида рақобатбардошлик даражасини ошириш ҳамда соҳа фаолиятини бошқаришни мақбуллаштириш, курилиш соҳасида таклиф этилаётган хизматлар сифатини мавжуд эҳтиёжлардан келиб чиқсан ҳолда яхшилаш, бошқарув самарадорлигини баҳолаш услубиётини такомиллаштириш, қўшимча кичик тизимлар ва маълумотлар базаларини яратиш йўли билан курилиш соҳасини рақамлаштириш, курилиш материалларини ишлаб чиқаришга ва объектлар қурилишига инновацион технологияларни татбиқ қилиш тизимини такомиллаштириш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ушбу мақолада Мамлакатлар иқтисодий ривожланишида логистика тизимининг ўрни тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** модернизация, иқтисодий ривожланиш, логистика, корхона, рақобат.

### **КИРИШ**

Жаҳонда аҳоли сонининг ортиб бориши билан боғлиқ ҳолда бирламчи зарурӣ эҳтиёжлар таркибидаги аҳолининг яшаш эҳтиёжларини қондирувчи қурилиш соҳаси маҳсулотларига бўлган талабнинг ортиши натижасида етарлича ижтимоий-иктисодий инфратузилма ҳамда иқтисодий салоҳиятга эга бўлган мамлакатларда қурилиш соҳаси иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бирига айланиб бормоқда. Халқаро ташкилотлар маълумотларига кўра, яқин 10 йиллик келажак (2030 йилгача бўлган давр)да дунё бўйича қурилиш соҳаси томонидан бажарилаётган ишлар ҳажми ҳар йили ўртача 2,3 %га ортиб бориши прогнозланмоқда. Кўрсатиб ўтилган даврда ривожланган мамлакатлар (АҚШ, Япония, Европа Иттифоқи мамлакатлари)да қурилиш ишлари ҳажми ўртача йиллик 0,1 - 0,5 % атрофида пасайиши кузатилса, ривожланаётган мамлакатларда 5,0 – 8,0 % атрофида ўсиши кутилмоқда[1]. Шу боис, қурилиш соҳаси ҳамда унинг самарали фаолиятини таъминловчи логистик тизимларда ташкилий-бошқарув ҳамда харажатларни бошқариш жараёнларини замонавий бошқарув технологияларини қўллаш орқали такомиллаштириш талаб этилади.

## **АСОСИЙ ҚИСМ**

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида ҳам логистика хизматлари бозорини ривожлантириш бўйича «транспорт ва логистика хизматлари бозори ва инфратузилмасини ривожлантириш, темир йўл инфратузилмасини электрлаштириш даражасини 60 фоизга етказиш ва автомобиль йўллари тармоғини жадал ривожлантириш»[2] бўйича устувор вазифалар белгиланган. Мазкур вазифаларни самарали ижросини таъминлаш қурилиш соҳаси логистик тизимларида бошқарувнинг горизонтал ва вертикал интеграцияси асосида шаклланувчи фаолиятини ташкил этиш ҳамда бошқариш тизимини такомиллаштиришни тақозо этади.


Қурилиш соҳасини ривожлантириш, соҳада бозор муносабатларини чуқурлаштириш, қурилиш соҳасида бошқарув жараёнларини такомиллаштиришнинг айрим назарий ва амалий жиҳатлари республикамиз иқтисодчи олимлари М.Шарифхўжаев, Ё.Абдуллаев, Н.К.Йўлдошев, Р.И.Нуримбетов, Ш.Н.Зайнутдинов, С.К.Салаев, Б.Б.Жуманиязов, К.С.Ташмуҳамедова, У.И.Джуманиязов, А.Абдуллаев, Г.Ш.Хонкелдиева, А.Т.Мирзаев кабиларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган[3].

Фан ва техника ривожланиши натижасидаги глобал ўзгаришлар таъсирида юзага келаётган технологик тузилмалар ва иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашувини эътиборга олган ҳолда қурилиш соҳаси логистик тизимларини самарали тизим шаклида ташкил этиш ва логистик тизимдаги харажатларни бошқариш механизмларини ўрганиш, ўзгаришларнинг соҳани ривожлантиришдаги аҳамиятини белгилаш муҳим аҳамият касб этганлиги сабабли, бу йўналишда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш долзарб ҳисобланади.

“Логистика” атамаси грекча сўздан олинган бўлиб, “ҳисоб санъати” ёки “фикрлаш, ҳисоблаш санъати” маъноларини билдиради[4]. Қадимги Афинада маҳсус лавозим – “логист” лавозими мавжуд бўлиб, ушбу лавозимга масъуллар ҳар йили қуръа ташлаш йўли билан тайинланган ва унинг вазифалари бошқа амалдорларнинг ҳисботларини текширишни ўз ичига олган.

XX аср охиридан бошлаб “Логистика” фани иқтисодий йўналиш вазифасини бажариб келмоқда, жумладан таъминот, ишлаб чиқариш, сотиш, ташиш, ахборот логистикаси ва бошқалар. Инсон фаолиятининг ушбу соҳаларининг ҳар бири етарлича ўрганилган, аммо логистика ёндашувининг янгилиги ушбу фаолият соҳаларини минимал вақт, моддий ресурслар ва молиявий ресурслар билан исталган натижага эришиш учун интеграциялашувидир.

Логистиканинг ривожланиши асосий даврларининг бир неча таснифлари мавжуд. Логистика йўналишидаги илмий тадқиқотларда уни 4 та асосий давр доирасида кўриб чиқилади: фрагментланиш, тақсимот концепциясининг шаклланиш, ривожланиш ва интеграция даврлари (1-расм).



1-расм. Халқаро бизнес Ассоциацияси ёндашувига кўра логистиканинг даврлаштирилиши[5]

Логистикани ривожлантиришга ҳисса қўшадиган муҳим омиллардан бири, тадбиркорлик фаолиятида компьютер технологиялари ва ахборот технологияларидан фойдаланишдан ташқари, ташиш режимини танлаш, оптималь маршрутлаш, маҳсулотларнинг кўп ассортиментли захираларини бошқариш каби муқобил ва оптималлаштириш муаммоларини ҳал қилиш зарурлигига олиб келди.

Ахборот технологиялари инқилоби моддий оқимлар билан бирга ахборот ва молиявий оқимларни бошқариш зарурлигини тушунишни кучайтирди.

Умумий холда логистиканинг бошқарувнинг турли бўғинларидағи вазифаларига қўйидагилар киритилади:

1. Алоҳида ёки хусусий вазифалар – захираларнинг минимал ҳажмини яратиш, маҳсулот

ёки моддий оқимларнинг сақланиш давомийлигини максимал даражада қисқартириш, моддий оқимларнинг ташилиш даврини қисқартириш.

2. Умумий вазифалар – моддий, ахборот ва молиявий оқимларнинг ҳаракатини назорат қилиш, ишлаб чиқариш ва сақлаш ҳажмларини прогнозлаш, транспорт воситаларини оптимал тақсимлаш.

3. Глобал вазифалар – бозордаги барқарор бўлмаган шароитда минимал харажатлар билан энг юқори самараға эришиш.

Юқорида кўриб ўтилган даврларда логистикага ёндашувларнинг алоҳида турлари шаклланган бўлиб, уларни қуидаги тўртта шаклга умумлаштирилади:

1. Аналитик ёндашув.
2. Технологик (ахборот) ёндашув.
3. Маркетинг ёндашуви.
4. Интеграл ёндашув.

Ушбу тўрт ёндашув негизида Ғарбда илмий мактаблар, тадқиқот гурухлари ҳамда логистика жамиятлари шаклланган.

Курилиш соҳасида фаолият кўрсатувчи қурилиш корхоналари ва уларга турли асосий ва қўшимча хизматлар кўрсатувчи тизимлар фаолиятини кластерли ёндашув асосида ташкил этиш ва бошқаришда логистик жараёнларни кластернинг моддий оқим жараёнларини самарали назорат қилишнинг ягона тизимиға интеграция қилиш соҳа корхоналари бирлашмаларининг иқтисодий самарадорлигини оширишнинг истиқболли йўналишларидан ҳисбланади.

Кластер фаолиятида иштирок этувчи бир неча ҳамкорлар, бизнес муҳити элементларини ўз ичига олган логистик тизимлар таркибидаги бизнес-жараёнларни бошқариш ташкилий ҳамкорлик асосида ҳал этиладиган асосий масалалардан биридир. Ушбу турдаги ҳамкорликнинг афзалликлари қўйидагилардан иборат[6]:

- барча даражадаги иштирокчиларнинг яқин ҳамкорлиги;
- ҳамкорлик доирасида ходимлар ва раҳбарларнинг кластерга нисбатан ижобий муносабати;
- умумий мақсад ва вазифалар ҳамда бизнес маданияти;
- узоқ муддатли, мустаҳкам муносабатлар ва мажбуриятларнинг шаклланиши;
- ўзаро ишонч ва очиқликнинг юзага келиши.

Кластер тузилмаларида муносабатлар нафақат логистика тизимларининг саноқли иштирокчилари ўртасида, балки бир вактнинг ўзида бутун гурухда қурилади, бу эса бошқарув функцияларини бир мувофиқлаштириш алоқаси доирасида интеграция қилиш ва бирлаштириш жараёнини янада мураккаб ва кўп қиррали қилади.

Тизимнинг бирлаштириш хусусияти кластер учун энг муҳим жиҳат ҳисбланиб, ушбу хусусиятнинг даражаси кластерни шакллантирувчи ва мустаҳкамлигини таъминловчи омилларнинг мавжудлиги ва ҳажми билан белгиланади.

Интегративлик параметри билан бир вактда кластернинг ўз-ўзини ташкил этиш ва ўз-ўзини такомиллаштириш қобилиятини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Кластер таркибий тузилишини доимий такомиллаштириш, ҳамкорлик вазифаларини кластерга ташки таъсир омиллари ўзгаришига мувофиқ мослаштириш тизимнинг ўз-ўзини ташкил этиш ва

ривожлантириш қобилияти сифатида қараладиган кластер мослашув механизмини шакллантиради. Мослашув механизми ўз-ўзини ташкил этиш жараёни қисмларининг таркибий ва функционал хилма-хиллигига тизим таркибий ва функционал хилма-хилликка йўналтирилганлиги, бу қарама-қаршиликларни бартараф этиш ва ўзгарувчан иқтисодий шароитларга мослашиш, шунингдек, функцияларнинг мослашувчанлиги сифатида, кластер тузилмасининг барқарорлигини таъминлаш шарти билан шаклланади. Шунингдек, қурилиш соҳаси кластер тузилмаларининг асосий хусусиятларидан бири “бекарорлик шароитида назорат ролини бажарадиган, моддий ва молиявий оқимларнинг барқарорлиги учун зарур шарт-шароитларни яратадиган, самарали иқтисодий муносабатларни ташкил этиш, тажриба ва технологиялар алмашинуви учун асос бўлиб хизмат қиладиган мувофиқлаштириш жараёни кластернинг ҳудудий муносабатлари учун асос бўлиб хизмат қиласди”[7].

Субпудрат муносабатлари доирасида ташкилий ва ахборот ўзаро таъсир схемасини шакллантириш логистика менежментининг асосий элементи бўлиб, у логистик бизнес жараёнларни оптималлаштириш вазифаларини амалга оширади ва қурилиш кластерининг интеграл ҳамда тизимли хусусиятларидан фойдаланиш воситаси ҳисобланади.


Ҳудудий кластер логистик бошқарув тизимини ривожлантириш доирасида ташкилий, иқтисодий, ахборот-таҳлилий ва интеграция функцияларини бажарадиган ҳамда кластерларда субпудрат алоқалари ривожланишини таъминлайдиган мувофиқлаштирувчи тузilmани шакллантириш, таъминот тизимларини лойиҳалаш ва кластер лойиҳаларини амалга ошириш самарадорлигига эътиборни ҳисобга олган ҳолда логистик бизнес жараёнларни оптималлаштиришни назорат қилиш ва бошқариш керак.

Кластер тузилмаларида иштирокчилар фаолиятини мувофиқлаштиришда кластер тузилмасида бошқарув ва фаолиятни мувофиқлаштириш, кластер иштирокчилари ўз бизнес функцияларининг бир қисмини унга ўтказганда, транзакцион харажатларни камайтиришга имкон берувчи фокус компанияни яратиш мақсадга мувофиқдир.

Турли саноат ва ишлаб чиқариш тармоқларидаги кластерлаштириш жараёнлари таҳлили қурилиш соҳасида ҳам асосий фаолият ҳамда уни ташкил этишда зарур бўлган қўшимча хизматларни кластерли қўринишдаги интеграциялашган ташкилий тузilmалар таркибида шакллантириш самарали бўлишини кўрсатмоқда. Бундай тузilmаларнинг шаклланишида кластер шаклланган ва фаолият кўрсатувчи ҳудудлардаги кластерларни ривожлантириш марказларининг ўрни аҳамиятлидир. Ушбу ташкилий тузilmalma қурилиш кластерлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи юқори бошқарув бўғини фаолиятини ҳудуднинг умумий ривожланиш йўналишлари доирасида олиб борилишини таъминлайди.

Кластер таркибидаги асосий фокус корхона қурилиш корхонаси бўлса, кластернинг фаолият самарадорлигини таъминловчи тузilmalma сифатида мувофиқлаштирувчи логистик гурӯҳ фаолият олиб боради. Чунки мувофиқлаштируvchi логистик гурӯҳ фаолиятисиз фокус корхона зарурӣ таъминот тизимини шакллантира олмайди ва бу ўз-ўзидан фокус компаниянинг буюртмаларни белгиланган сифатда, муддатда ва қийматда бажариш имкониятини қисқартиради. Шу нуктаи назардан қурилиш кластерларининг асосий таркибий тузilmalariдан бири мувофиқлаштируvchi логистик гурӯҳ ҳисобланади. Мувофиқлаштируvchi логистик гурӯҳ уни юқори бўғин бошқарувчиси ҳамда гурӯхнинг

мутахассисларидан ташкил топиб, гурухнинг асосий вазифаси логистик бизнес жараёнларни оптимал даражада мувофиқлаштиришдан иборат (2-расм).



Кластерларда логистик фаолият бошқарувини таъминлаш мақсадида кластерларни худудий ривожлантириш марказлари фаолиятини икки асосий логистик таъминот йўналишида олиб бориши лозим:

- логистик бизнес жараёнларни оптималлаштиришнинг ахборот таъминоти жараёни;
- кластер фаолияти доирасида таъминот тизимларини бошқариш жараёни.

Кластер тузилмаларининг муваффақиятли ички ва ташки ривожланиш тажрибаси таркибий тузилмада махсус бошқарув элементи (логистик бошқарув ядроси)ни

шакллантириш зарурлигини талаб қилишини кўрсатади, ушбу бошқарув элементи ва қурилиш кластерининг моддий, молиявий ва ахборот оқимлари ҳаракатини мувофиқлаштиради. Бошқарув ядроси ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар, бизнес-инкубаторлар, бизнес уюшмалари, молиявий инвесторлар, ресурсларни етказиб берувчилар, турли даражадаги давлат идоралари ўртасидаги алоқаларда логистика ўзаро таъсир тизимини шакллантириш, кластер таъминот тизимларини оптимал ишлашини таъминлайди[8].

## **ХУЛОСА**

Шундай қилиб қурилиш соҳаси логистик тизимларида ҳаражатларни оптималлаштириш учун бутун корхона фаолиятини оптималлаштиришнинг алоҳида ҳолати сифатида барча логистика функциялари ва операцияларини ягона бошқарув остида бирлаштиришни назарда тутувчи моддий, молиявий ва ахборот оқимлари ҳаракатини бошқаришнинг интеграллашган механизмини логистика тизими самарадорлигининг интеграл кўрсаткичини аниқлаш услубиёти тизим самарадорлиги даражасини оширади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. [https://www.designingbuildings.co.uk/wiki/Global\\_construction\\_market\\_projections\\_from\\_2020\\_to\\_2030](https://www.designingbuildings.co.uk/wiki/Global_construction_market_projections_from_2020_to_2030)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Таракқиёт стратегияси” (III-бўлим, 36-мақсад) // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
3. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент: дарслик. –Тошкент, “Ўқитувчи”, 2001 й.; N.K.Yo’ldoshev, G.E.Zaxidov. Menejment: o’quv qo’llanma. –T.: O’zbekiston milliy faylasuflari jamiyati, 2018. – 392 b.; Р.И.Нуримбетов, Ш.Н.Зайнутдинов, С.К.Салаев., Б.Б. Жуманиязов, К.С.Ташмуҳамедова. Ўзбекистон минтақаларида қурилиш индустриясини ривожлантириш стратегиясининг ташкилий-иктисодий механизмини такомиллаштириш. Монография. – Т. : Fan va texnologiyalar, 2017. – 288 б.; Джуманиязов У.И. Давлат-хусусий шерикчилиги асосида уй-жой қурилиши соҳасида корпоратив бошқарув механизмларини такомиллаштириш. Иқт фанл бўйича фал.докт.(PhD) дисс.автореф. Тошкент.:ТДИУ, 2017.; А.Абдуллаев. Қурилиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ижтимоий-иктисодий самарадорлигини ошириш стратегияси (Тошкент вилояти мисолида). Иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент. 2019. – 27 бет.
4. Ковалева, Н.А. Основы логистики и управление цепями поставок: учеб. пособие / Н.А. Ковалева, А.В. Гузенко; ФГБОУ ВО РГУПС. – Ростов н/Д, 2016. – 127 с. – Библиогр.: с. 5–6.
5. Ковалева, Н.А. Основы логистики и управление цепями поставок: учеб. пособие / Н.А. Ковалева, А.В. Гузенко; ФГБОУ ВО РГУПС. – Ростов н/Д, 2016. – 127 с. – Библиогр.: с. 5–6.
6. Смирнова Е.А. Управление цепями поставок: учебное пособие. –СПб.: Изд-во СПбГУЭФ, 2009. – С. 77.

7. Семенчук В.В. Кластерный подход к стимулированию инновационной деятельности в промышленности строительных материалов (на примере Хабаровского края): Автореф. дис. канд. экон. наук. - Владивосток, 2010. –С. 53-54.
8. Лапшина Е.Е. Инновационные подходы к организации логистического отраслевого строительного кластера как фактора экономического развития Калужской области//Управление экономическими системами -2012.-№3. – Режим доступа: <http://www.uecs.ru/uecs-39-392012 12.12.2012>
9. Butaboev, M. T., & Karimov, U. U. (2020). «ЗЕЛЁНАЯ ЭКОНОМИКА». МИРОВОЙ ОПЫТ И ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ. *Theoretical & Applied Science*, (2), 704-710.
10. Бутабоев, М. Т., & Каримов, У. У. (2020). Переход к «Зелёной экономике» и особенности её развития в Узбекистане. *Интернаука*, 23(152), 41.
11. Karimova, G., & Khasanova, D. (2022). Social relations in economic processes in the science of economic sociology. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(11), 273-277.
12. Sadigjonovich, G. B., & Umaralievich, K. U. (2022). SOCIO-PHILOSOPHICAL ASPECTS OF THE ORIENTATION OF YOUNG PEOPLE TO ENTREPRENEURIAL ACTIVITY. *Research Focus*, 1(4), 359-363.
13. Xasanov, I. M. (2022). OILAVIY TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISH MASALALARI. *Research Focus*, 1(1), 273-276.
14. Хасанов, И. М. (2020). РОЛЬ ДОМОХОЗЯЙСТВ В РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ РЕГИОНА. In *МИНТАҚА ИҚТISODIЁТИНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШНИНГ МОЛИЯВИЙ-ХУҚУҚИЙ ВА ИННОВАЦИОН ЖИҲАТЛАРИ* (pp. 198-202).
15. Xasanov, I. M. (2019). Problems of employment in Uzbekistan. *Образование и наука в России и за рубежом*, (16), 156-158.